# Ҳаж ҳақидаги ҳадиси шарифлар




09:00 / 30.05.2024    2989

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: خَطَبَنَا رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم فَقَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ، قَدْ فَرَضَ اللهُ عَلَيْكُمُ الْحَجَّ فَحُجُّوا»، فَقَالَ رَجُلٌ: أَكُلَّ عَامٍ يَا رَسُولَ اللهِ؟ فَسَكَتَ حَتَّى قَالَهَا ثَلَاثًا، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ r: «لَوْ قُلْتُ نَعَمْ لَوَجَبَتْ وَلَمَا اسْتَطَعْتُمْ»، ثُمَّ قَالَ: «ذَرُونِي مَا تَرَكْتُكُمْ، فَإِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بِكَثْرَةِ سُؤَالِهِمْ وَاخْتِلَافِهِمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ، فَإِذَا أَمَرْتُكُمْ بِشَيْءٍ فَأْتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ، وَإِذَا نَهَيْتُكُمْ عَنْ شَيْءٍ فَدَعُوهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилиб: **«Эй одамлар! Батаҳқиқ, Аллоҳ сизга ҳажни фарз қилди. Ҳаж қилинг!»**

дедилар. Шунда бир киши: «Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. Шунда у зот ўша гапни уч марта айтгунча жим турдилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳа» десам вожиб бўлиб қолар эди ва қодир бўлмас эдингиз. Мен сизни тарк қилган нарсада мени ўз ҳолимга қўйинглар. Албатта, сиздан олдин ўтганлар саволларининг кўплиги ва анбиёларига ихтилоф қилганлари туфайли ҳалок бўлишган. Қачон сизга бир ишни амр қилсам, уни қудратингиз етганича қилинглар. Қачон сизни бир нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинглар».**

Муслим, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم: «إِنَّ اللهَ عَزَّ وَجَلَّ يُدْخِلُ بِالْحَجَّةِ الْوَاحِدَةِ ثَلَاثَةَ نَفَرٍ الْجَنَّةَ: الْمَيِّتَ، وَالْحَاجَّ عَنْهُ، وَالْمُنْفِذَ ذَلِكَ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ азза ва жалла битта ҳаж** (бадал ҳажи) **билан уч нафар кишини жаннатга киритади: маййитни; ҳажжи бадал қилувчини, ҳажжи бадал қилдирувчини** (васийни)**».**

Байҳақий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ رَفَعَهُ إِلَى رَسُولِ اللهِ صلى الله عليه وسلم، قَالَ: «الْحَاجُّ يَشْفَعُ فِي أَرْبَعِمِائَةِ أَهْلِ بَيْتٍ - أَوْ قَالَ: مِنْ أَهْلِ بَيْتِهِ - وَيَخْرُجُ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ». رَوَاهُ الْبَزَّارُ.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу марфуъ ҳолатда ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳожи тўрт юз хонадон аҳлини** ёки (бир ривоятда) **«Ўз аҳли байтидан тўрт юзтасини] шафоат қилади ва гуноҳларидан онасидан туғилган кундагидек пок бўлади».**

Баззор ривоят қилган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: عَنْ رَسُولِ اللهِ صلى الله عليه وسلم: «إِذَا خَرَجَ الْحَاجُّ مِنْ أَهْلِهِ فَسَارَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أَوْ ثَلَاثَ لَيَالٍ خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ، وَكَانَ سَائِرُ أَيَّامِهِ دَرَجَاتٍ...». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳожи ўз аҳлидан чиқиб, уч кун [**ёки **уч кеча] юрса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек** (пок) **бўлиб чиқур.** (Ундан кейинги ҳаж сафарида ўтказган) **қолган кунларда мартабаси юқори бўлади…».**

Байҳақий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم: «مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَمَا وَلَدَتْهُ أُمُّهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким бу Байтни ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, онасидан туғилган кундагидек бўлиб қайтади».**

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ يَرْفَعُهُ قَالَ: «مَا أَمْعَرَ حَاجٌّ قَطُّ»، فَقِيلَ لِجَابِرٍ: مَا الْإِمْعَارُ؟ قَالَ: مَا افْتَقَرَ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолатда ривоят қилинади:

(Набий алайҳиссалом): **«Ҳожи ҳаргиз имъор бўлмас»,** дедилар. Жобирга «Имъор нима?» дейишди. У: «Фақир бўлмас (дегани)» деди».

Байҳақий ривоят қилган.

***«Мўминнинг умр сафари» китобидан***